

6. Vandierendonck, Caroline. 2014. "Public Spending Reviews: Design, Conduct, Implementation". *Economic Papers* 525, European Commission, Brussels.
7. Harris, Jason, Richard Hughes, Goesta Ljungman and Carla Sateriale. 2013. "Medium-Term Budget Frameworks in Advanced Economies: Objective, Design, and Performance". In *Public Financial Management and Its Emerging Architecture*, edited by Marco Cangiano, Theresa R. Curristine, and Michel Lazare. Washington, DC: International Monetary Fund.
8. Bova, Elva, Riccardo Ercoli, and Xavier Vanden Bosch. 2020. "Spending Reviews: Some Insights from Practitioners". *European Economy Discussion Paper* 2015. 135, Directorate General Economic and Financial Affairs, European Commission, Brussels.
9. Исаев Ф. Совершенствование налогообложения имущества. // *Экономика и инновационные технологии*. 2021. № 6. С. 326-333.
10. Исаев Ф. (2023). Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 11(1), 394-401. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss1/a42](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42)
11. Исаев Ф. (2022). Йирик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 317-326. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
12. Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини. // *Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка*. 2023. С. 359-361.
13. Жумаев Н., Ризаев Н. & Исаев Ф. (2023). Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда туркий давлатлар тажрибаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(2), 58-67. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/1014>
14. Исаев Ф. (2023). Солиқ юкини камайтиришда солиқ таҳлилининг таъсирига оид назарий мулоҳазалар. *International Journal of Economics and Innovative Technologies*. 11(2), 415-421. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i41](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i41)
15. Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. // "Бизнес-эксперт" илмий журнали. 2021. Т. 6. С. 52-54.
16. Исаев Ф. (2023). Солиқларнинг фаровонликка таъсири назарияси. &quot;Milliy Iqtisodiyotni Isloh Qilish Va Barqaror Rivojlantirish istiqbollari&quot; Respublika Ilmiy-Amaliy Konferensiyasi Materiallari to'plami., 206-208. Retrieved from <https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/view/393>
17. Исаев Ф. (2023). Солиқ таҳлили – иқтисодий таҳлилининг таркибий қисми. *Nashrlar*. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/35>
18. Исаев Ф. (2021). Солиқ юкини аниқлаш методикасини такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, (6), 86-91. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a286](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a286)



## СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА СТРАТЕГИЯСИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАЗМУНИ ВА ЮЗАГА КЕЛИШИНING ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

**Исматов Холбута Бегматович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a25)

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикада янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизими самарадорлигини таъминлаш ҳақида сўз боради. Ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида солиқ сиёсати ўта муҳим роль ўйнайди. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур мақолада солиқ сиёсатининг мазмуни, унинг стратегияси ва тактикаси ҳамда бузунги кунда Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ муносабати, иқтисодий сиёсат, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсати йўналишлари, давлат бюджети, марказлаштирилган пул фондлари, солиқ маъмурчилиги, солиқ юки.

## НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ И СТРАТЕГИИ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ

**Исматов Холбута Бегматович**

Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье речь идет об обеспечении эффективности налогово-бюджетной системы в новой стратегии развития нашей республики. Налоговая политика играет очень важную роль в экономической политике любой страны. Налоговая политика тесно связана с другими видами экономической политики государства и оказывает на них влияние. Правильная разработка налоговой политики и определение ее стратегических и тактических направлений – очень актуальный и сложный процесс. В данной статье анализируется содержание налоговой политики, ее стратегия и тактика, а также приоритетные направления налоговой политики Узбекистана на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** налог, налоговые отношения, экономическая политика, налоговая политика, стратегия налоговой политики, тактика налоговой политики, налоговая ставка, налоговые льготы, направления налоговой политики, государственный бюджет, централизованные денежные фонды, налоговое администрирование, налоговое бремя.

SCIENTIFIC-THEORETICAL CONTENT OF TAX POLICY AND STRATEGY  
AND ECONOMIC CONDITIONS OF OCCURRENCE

*Ismatov Kholbuta Begmatovich -  
Tashkent State University of Economics  
independent researcher*

**Annotation.** This article deals with ensuring the effectiveness of the fiscal system in the new development strategy of our republic. Tax policy plays a very important role in the economic policy of any country. Tax policy is closely connected with other types of economic policy of the state and influences them. The correct development of tax policy and the definition of its strategic and tactical directions is a very relevant and complex process. This article analyzes the content of the tax policy, its strategy and tactics, as well as the priority areas of the tax policy of Uzbekistan today.

**Key words:** tax, tax relations, economic policy, tax policy, tax policy strategy, tax policy tactics, tax rate, tax incentives, tax policy directions, state budget, centralized funds, tax administration, tax burden.

**Кириш.** Давлатнинг ички молиявий сиёсатининг мазмунида марказлашган пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу эса давлатнинг иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати билан боғлиқ. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги баҳолаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унинг йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб масалалардан саналади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлил.** А.Жўраев фикрича, ғарб иқтисодчилари солиқ сиёсати мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар солиқ сиёсати тушунчасига фискал сиёсат тушунчаси орқали ёндашадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши ҳисобланади, деб таъкидлашади [1].

Давлатнинг солиқ сиёсати ва унинг стратегик мақсадлари қандай белгиланиши ва бўлиши керак деган масала классик иқтисодчи олимлар, жумладан, Ф.Кенэ [2], инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс[3] ва бошқаларнинг илмий қарашларида муҳим ўрин тутиб келган. Улар давлат иқтисодиётини тартиблашда солиқ сиёсатини юритишнинг турли хил услублари ва ёндашувлари ҳақида кўплаб баҳслар юритган, солиқ сиёсатининг бош мақсади нимадан иборат бўлиши лозимлигини кўрсатиб беришда, кўпроқ солиқларни ундириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Ю.Ю.Петрунин, М.И.Панов, Л.Б.Логунова эса солиқ сиёсати ва унинг стратегик мазмунини “солиқ қонунчилигидаги корхоналарга солиқ тўлашдан қочиш имконини берувчи бўшлиқлар-

ни аниқлашдан иборат” деган фикрни илгари суради [4].

Н.М.Дементьева ва И.А.Майбурувнинг солиқ сиёсатидаги фикрлари анчайин бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Ушбу муаллифлар солиқ сиёсати мазмунини миллий бойликлардан самарали фойдаланишга қаратилган солиқ тизимининг яратилиши сифатида баҳолайди. Яъни уларнинг фикрича, “солиқ сиёсати давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакат миллий бойликларини жамғариш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, иқтисодиёт ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашувчи солиқ тизимини яратишга қаратилган ва шу орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти таъминланади” [5, 6].

Н.М.Дементьева солиқ сиёсатининг давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгаллиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди” [6].

С.В.Барулин ва бошқалар: “Солиқ сиёсати – умумий иқтисодий сиёсатнинг бир қисми сифатида давлат томонидан амалга ошириладиган ва солиқларнинг фискал, тартибга солиш ва назорат функцияларини белгиланган тартибда максимал даражада амалга оширишга қаратилган солиқ жараёнларини бошқариш соҳасидаги стратегик ва тактик чора-тадбирлар мажмуи”, – деб таъкидлайди [7].

М.В.Карп фикрича, солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади [8].

Халқаро валюта фонди экспертлари К.Силвани ва К.Баернинг бу борадаги илмий қарашлари қуйидагича: “солиқ маъмурчилиги стратегияси узоқ муддатли солиқ маъмурчили-

ги операцияларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар сифатида баҳолашиб, мамлакатда солиқ узилиши (тўланиши керак бўлган ва келиб тушган тушумлар ўртасидаги фарқ) ҳажми ва уни камайтириш учун қўлланиладиган чоралар кескинлиги асосида тайёрланиши керак” дея таъкидлашган [9].

**Тадқиқот методологияси.** Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилиб, таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида ҳам давлатнинг муҳим ва бош функцияларидан бири жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро тенгликни (пропорцияни) таъминлаш ҳисобланади. Бу орқали эса давлат иқтисодиётнинг бир маромда боришини таъминлашга, пировардида эса социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга эришади. Аслида молиявий ва солиқ муносабатларининг вужудга келиши ҳам ушбу жараён ташкил этилишидан келиб чиқади. Давлат марказлаштирилган пул фондларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш соҳасидаги яратилган миллий даромадни унинг яратувчилари ва давлат ўртасида қайта тақсимлайди. Бу қайта тақсимлашдан асосий мақсад эса давлатнинг ўз функцияларини молиялаштиришни таъминлаш, жамиятга ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва шу орқали соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат бўлиб, бунда солиқлар асосий воситачи бўлиб юзага чиқади.

Ушбу жараёнларни шакллантириш, уларни мувофиқлаштириш ва уларнинг йўналишларини тўғри белгилаш маълум бир муддатларга мўлжалланган режаларни ишлаб чиқиш борасидаги янги вазифаларни келтириб чиқаради. Давлат юқорида таъкидлаб ўтилган функцияларини тўғри бажаришлиги ва унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида социал ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириб боради. Бу эса давлатнинг иқтисодиётга “барометр” сифатидаги аралашувининг зарурлигидан келиб чиқади. Жамиятда социал ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириш, уни реал воқелик ва ҳолатлар билан солиштириш орқали давлат фаолиятининг самарадорлиги, унинг функциялари ва вазифалари бажарилишининг тенденциялари аниқланади, пировардида эса бош

мақсад – нисбат муносабатларининг даражасига баҳо берилади. Давлат бу борадаги функциялари бажарилишини таъминлашда ўзининг фаолиятини маълум бир йўналишлар бўйича гуруҳлаган ҳолда амалга оширади. Бу эса унинг турли йўналишлардаги сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Давлатнинг ушбу сиёсатлари асосан икки: ички ва ташқи йўналишларда кечади.

Демак, сиёсат замирида кўпчиликнинг манфаатларига асосланган давлат фаолияти туради. Давлатнинг бундай фаолиятининг солиқларга оид қисми эса ўз навбатида, солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Солиқ сиёсатининг ўзаги эса таъкидланганидек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Миллий даромадни тақсимлаш, унинг учун мажбурий тўловлар воситаларини (солиқларни) жорий этиш, уни ундириш ва бу жараённинг боришини тартибга солиб туриш ҳамда уни доим такомиллаштириб бориш каби муносабатларни тақозо қилади. Бу муносабатлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш эса давлатнинг фаолиятида маълум бир йўналишдаги жараённи – солиқ сиёсатини талаб қилади. Дунё амалиётига эътибор берадиган бўлсак, деярли барча давлатлардан бундай пул фондларининг асосий шакли сифатида давлат бюджети асосий роль ўйнайди.

Марказлашган пул фондларига молиявий маблағларни жалб қилиш зарурлиги солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимларни вужудга келтиради (давлатнинг бошқа иқтисодий йўли ҳам йўқ), бу мажбурий тўловларни ундириш эса жамият аъзолари (солиқ тўловчилар)идан мажбурий тўловларни ундириш тартиб ва механизмларини оптимал йўлга қўйиш зарурлигини тақозо этадики, бунинг ўзи жуда кўплаб мураккаб ва кенг қамровли иқтисодий муносабатларни ташкил қилишни тақозо этади, бир сўз билан айтганда, солиқ сиёсатини юритишни талаб қилади. Бундан ташқари миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг молиявий эҳтиёжларини мувофиқлаштириб туриш зарурлиги ва давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш иқтисодий функциясини амалга оширишда молиявий дастакларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги каби объектив жараёнлар ҳам борки, уларнинг барчаси умумлашган ҳолда давлатнинг солиқ сиёсатини юритишни, унинг доирасида стратегик мақсадларни белгилашни, унга эришиш мақсадида эса тактик йўналишларни белгилаб боришни объектив-иқтисодий жараён сифатида заруратни келтириб чиқаради.

Албатта, давлатнинг асосий иқтисодий мақсади жамиятнинг соҳалар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) ўртасидаги нисбат – муносабатларнинг мувофиқлигини таъминлашга қаратилган бўлади, бунга эришиш учун эса давлат турли хил: иқтисодий, ижтимоий, социал, ҳаттоки сиёсий соҳалардаги сиёсатларини амал-

га ошириш, бу сиёсатларни мувофиқлаштирган ҳолда миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилади, ваҳоланки, бу барқарорликнинг асосини эса иқтисодий барқа-

рорлик ташкил этади, унинг фаолиятини таъминлашда эса молиявий ҳамда унинг таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати муҳим эҳтиёж бўлиб объектив равишда юзага чиқади.




1-расм. Давлат иқтисодий мақсади ва солиқ сиёсати ўртасидаги узвийлик

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Ҳар қандай сиёсат ўз чегараси бўлганлиги сабабли солиқ сиёсати ҳам маълум бир чегараларига эга бўлади. Аммо солиқ сиёсатида иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, психологик, маданий, ҳатто, ташқи муносабатлар қамраб олиндики, бу солиқ сиёсатининг бошқа ички ва ташқи сиёсатларининг ўзаро чамбарчас тарзда мавжуд бўлишини кўрсатади. Солиқ сиёсатининг социал сиёсат билан боғлиқлиги шундаки, аҳолининг кам таъминланган ва кам даромадга эга бўлган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга солиқ имтиёзларини қўллаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархи-га солиқ ставкалари орқали таъсир қилиш (қўшилган қиймат солиғида нолли ставканинг қўлланилишини эсланг), ногиронлар ва ёш мутахассислар (коллеж ўқувчиларини)ни ишга қабул қилишда имтиёзларни қўллаш, иш ўринларини яратиш ва шу каби жараёнлар социал сиёсатнинг мазмунини ташкил этиб, бунда солиқ тизими билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса, у иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади.

Келтирилган 2-расмдан кўринадики, молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўзида солиқ, бюджет, фискал ва

бюджет-солиқ сиёсатини мужассамлаштириб, ушбу сиёсат шакллари ҳам ўзаро боғлиқликда бўлади. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа соҳадаги сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, иқтисодий сиёсатнинг таркиби қисмида сифатида унга мазмунан жуда яқин бўлган иқтисодий сиёсат турлари билан ўзаро фарқли жиҳатлари ва улардаги ўрнини аниқлаш солиқ сиёсатининг мазмунини янада очишга хизмат қилади. Аслини олганда, солиқ сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молия сиёсати эса бу борадаги сиёсатларнинг асосини ташкил этади. Солиқ сиёсати молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда, кўпинча, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам юритилади. Шу билан биргаликда, солиқ сиёсати фискал сиёсат билан ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга бўлади. Солиқ сиёсати, бундан ташқари, монетар сиёсат билан ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Чунки солиқ сиёсати ишлаб чиқиляётганда, инфляция даражаси, пул агрегатларининг ҳажми ва ҳаракатига солиқларнинг таъсири, корхоналарнинг инвестицион сиёсатини қўллаб-қувватлашда кредит ресурсларидан фойдаланиш каби масалалар, албатта, солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлади.




2-расм. Молия ва солиқ сиёсатининг таркибий тузилиши

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсати муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Таъкидланганидек, солиқ сиёсати стратегияси давлат иқтисодий сиё-

сатининг мазмунидан келиб чиқиб, доимий ва ўзгарувчан стратегияга эга бўлади. Солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгариб турилишига, албатта, давлатнинг иқтисодий сиёсати билан бирликда бошқа омиллар ҳам таъсир қилади (3-расм).



3-расм. Солиқ сиёсати стратегиясига таъсир этувчи омиллар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Албатта, ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсати стратегиясида умумий омиллар билан бирликда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг белгиланиши ва ўзгартиришига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бизнингча, солиқ сиёсатининг моҳиятини англашда уни тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода солиқ сиёсати деганда, давлат ва мулк (даромад) эгаси ўртасидаги солиқ муносабатларини тартибга солиш тушунилади.

**Солиқ сиёсати кенг маънода эса миллий даромад шаклланиши, ўсишини рағбатлантириш ва қайта тақсимлашга хизмат қиладиган**

**иқтисодиётда тенг рақобат шароитини яратишга қаратилган солиқларни жорий этиш ҳамда undirish mexanizmlarini қамраб олган давлат бошқарув институти сифатида тушунилади.**

**Солиқ сиёсатининг бош (доимий) стратегияси давлат бюджети ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро манфаатларнинг уйғунлашуви ва мувозанатлашувини таъминлашдан иборат бўлса, солиқ сиёсатининг ўзгарувчан солиқ стратегияси бюджет даромадларининг бир маромда шаклланиши, тенг рақобат шароитини яратиш солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини оширишга эришиш ҳамда солиқларнинг рағбатлантириш таъсирини янада оширишдан иборат.**

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев А., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. 48-бет.
2. Кенэ Избранные экономические произведения. – М.: Соцэкзг, 1960.
3. Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1993.
4. Налоговая политика. // Экономика. Словарь по обществознанию. – М.: КДУ, 1995. Ю.Ю.Петрунин, М.И.Панов, Л.Б.Логунова. Н.М. Дементьева. Налоговая политика государства.
5. [https://nsuem.ru/science/publications/science\\_notes/issue.php?ELEMENT\\_ID=1689](https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689).
6. Майбуrows И.А. Налоги и налогообложение. Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям. Под ред. И.А.Майбуrowa. – М.: Юнити-дана, 2007. – 655 с.
7. Барулин С.В., Макрушин А.В., Тимошенко В.А. Налоговая политика России. – Саратов: Сателлит, 2004. С. 24-25.
8. Карп М.В. Налоговый менеджмент. Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, 2001. – 39 с.
9. Carlos Silvani and Katherine Baer. Designing a Tax Administration Reform Strategy: Experiences and Guidelines, IMF – 1997. – 36 pages.
10. Нормурзаев У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. // Iqtisodiyot va ta'lim, 24(1), 334-339. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51)
11. Нормурзаев У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайитиришда солиқ органларининг аҳамияти. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(2), 215-221. Retrieved from: <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>



## АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

**Обилов Миркомил Рашидович -**  
Гулистон давлат университети  
докторанти (DSc)

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a26)

**Аннотация.** Бугунги кунда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш глобал аҳамият касб этувчи масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг турли методологик ёндашувлари бўйича қатор халқаро молиявий ташкилотлар иқтисодчи экспертлари томонидан турли йўналишлардаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолаш орқали уй хўжаликлари, оила ва индивиднинг (шахснинг ўзи) ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларини бошқара олиши ва уларни тўғри йўналтиришдаги самарали қарорларини баҳолашга қаратилади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири ҳам баҳоланади. Бунда монетар кўрсаткичлар орқали уй хўжаликлари, оила ёки шахснинг монетар тавсифи шакллантирилади.

**Калит сўзлар:** молиявий саводхонлик, молиявий саводхонлик мезонлари ва уларни баҳолаш индикаторлари, давлат дастурлари, кредит, кредит турлари, молиявий таълим, режалаштириш, молиявий билим.

## МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ

**Обилов Миркомил Рашидович -**  
Докторант Гулистанского государственного университета(DSc)

**Аннотация.** Сегодня повышение уровня финансовой грамотности населения является одной из задач мирового значения. Эксперты-экономисты ряда международных финансовых организаций проводят исследования по разным направлениям различных методологических подходов к оценке уровня финансовой грамотности населения. Эти исследования сосредоточены на оценке способности домохозяйств, семей и отдельных лиц управлять своими финансовыми ресурсами и их эффективными решениями путем оценки уровня финансовой грамотности населения. Кроме того, также оценивается влияние уровня финансовой грамотности населения на уровень жизни населения. В этом случае денежные характеристики домохозяйств, семей или отдельных лиц формируются через денежные показатели.

**Ключевые слова:** финансовая грамотность, критерии финансовой грамотности и показатели их оценки, государственные программы, кредит, виды кредита, финансовое образование, планирование, финансовые знания.

## MECHANISMS FOR IMPROVING FINANCIAL LITERACY

**Obilov Mirkomil Rashidovich -**  
Doctoral student, Gulistan State University (DSc)

**Abstract.** Today, increasing the level of financial literacy of the population is one of the issues of global importance. Economic experts of a number of international financial organizations are conducting research in various directions on various methodological approaches to assessing the level of financial literacy of the population. These studies focus on evaluating the ability of households, families and individuals to manage their financial resources and their effective decisions by assessing the level of financial literacy of the population. In addition, the impact of the level of financial literacy of the population on the standard of living of the population is also evaluated. In this case, the monetary characteristics of households, families or individuals are formed through monetary indicators.

**Key words:** financial literacy, financial literacy criteria and their evaluation indicators, state programs, credit, types of credit, financial education, planning, financial knowledge,